O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 30 iyul, juma

12 (293) son

Сўз партия етакчиларига

БИЗ КЎЗЛАГАН МАНЗИЛ

Ҳамма замонларда ҳам зиёлилар халқни ўз ортидан бошловчи, элнинг кўрар кўзи, айтар сўзи бўлганлар.

«Маънавиятимизнинг келгуси асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таняч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, аввало, жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вазифасидир». Бу юртбошимизнинг зиёлиларга қарата айтганлари.

Ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси ундаги зиёлиларнинг фаоллиги ва улар амалга оширган ишлар билан белгиланади. Шу маънода ўз атрофида ижодкорлар, зиёлиларни бирлаштирган Ўз МТДП Сирдарё вилояти кенгаши фаолияти ҳақида икки оғиз тўхталмоқчиман.

1995 йил июн ойида ташкил бўлган партиянинг вилоят Кенгашига дастлаб йирик адабиётшунос олим, фазилатли инсон, профессор Акрам Каттабеков раҳбарлик қилганлар. У киши вилоятдаги зиёлиларнинг қаймоғини партия атрофига жойлаштирди. Жуда катта ғайрат билан иш бошлади, эсда қоладиган тадбирларга бош-қош бўлди. Маданий-маърифий ишларни устувор йўналиш ҳисоблаб, шу йўлда саъй-ҳаракатлар қилди, бироқ, машъум ўлим бу жонкуяр, фидойи инсонни орамиздан олиб кетди.

Чин маънодаги зиёли инсон бошлаган ишни унинг издошлари давом эттиришаётир.

Жойлардаги партия ташкилотларимиз кенг омма орасида фаол иш олиб бораётир. Айниқса, Ховос тумани партия ташкилоти етакчиси, вилоят халқ депутати Абдураззоқ Ўсаровнинг омма орасида олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. У ҳамиша эл орасида кўпчиликка ибрат. Шунинг учун бўлса керак, бу тумандан партиямиз аъзолари ва хайрихоҳларининг сони ортиб бораяпти. Яқинда бўлиб ўтган тадбирларнинг бирида туманда 110 нафар янги аъзоларга билетлар тарқатилди.

Партиянинг фаол аъзоларидан Фичрат Кулиев йўл-йўриқлари, жўяли таклифлари билан ишларимизнинг янада жонланишини таъминлаяпти.

Партиямизга энг истеъдодли, жонкуяр журналистлар ҳам аъзо. Вилоят телерадиокомпанияси раиси Илёс Қувондиқов, тележурналист Зебо Ҳайдаровалар энг таъсирчан куч — телевидение орқали омма орасида ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида партиямиз сафида ибратли ишлар қилишаяпти.

Партиямизнинг фаол аёлларидан бири Мавлуда Хусаинова. У вилоят миқёсида миллий урф-одатлар, қадриятлар, миллий ифтихор, шарқона, ўзбекона маданият мавзуидаги кўплаб тадбирларга бош-қош бўлаяпти.

Гулистон шаҳар ташкилоти етакчиси Йўлдош Норбўтаев жуда ташкилотчи инсон. Одамлар қалбига йўл топа олади. Шаҳар истироҳат боғида бўлиб ўтган қизиқарли тадбирда янги аъзолардан 36 нафарига аъзолик билетлари тантанали топширилди.

ЎзМТДП Кенгаши таниқли адиблар, шоирлар, зиёлилар билан мустаҳкам алоқада. Улар билан тез-тез учрашувлар, суҳбатлар уюштираяпмиз. Жумладан, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири



Эркин Воҳидов, Гулистон Давлат Университетида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Ашурали Жўраев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Оқолтин туманида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов, Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Ховос тумани Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева, Шарифа Салимовалар билан бўлган учрашувлар шулар жумласидандир. Бундай учрашувлар дилдан суҳбатга, дўстона мулоқотга, ҳамфикрликка айланиб кетаётир. Партиямиз фаоллари асосан зиёлилар бўлганликлари учун ҳам омма руҳиятини кўтаришга, уларда келажакка ишонч, эртанги кунга бўлган ёруғ умидларни яна ҳам ёлқинлантиришга хизмат қилмоқдалар.

Партиямиз фаоллари ўта камтарин инсонлар. Уларнинг ҳар бири ўз хизмат жойларида партиямиз илгари сурган ғояларни амалий ишлари билан тарғиб қилмоқдалар. Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази Сирдарё вилоят филиали директори, медицина фанлари доктори, профессор Ҳотам Нишонов ана шундай фаолларимиздан. Бу инсоннинг ташаббуси билан партиямиз фаоллари тез-тез «Меҳрибонлик уйи»да бўлиб туришади. Ҳотам Нишоновнинг эса, бир оёғи ҳамиша ўша болажонлар истиқомат қилаётган масканда. Ҳали озиқ-овқат, ҳали дори-дармон билан ёрдам беради, уларнинг саломатлиги учун қайғуради. Ўз МТДП вилоят Кенгаши раҳбари ўринбосари сифатида туманларда бўлади. Партияга ибратли, чин маънода зиёли инсонларни жалб этади. Бундай фаолларимиз жуда кўп.

Шербўта Хамадонов ва Абдураҳмон Пирматов нефт маҳсулотлари корхонаси раҳбарлари. Ёш, ғайратли. Шаҳар ва туманда хайрли ишларга бошқош.

Сирдарёлик шоира Баҳор Холбекованинг ижодий кечасини ўтказишга ҳам Ўз МТДП вилоят Кенгаши табашшускор бўлди. Кечада пойтахтдан адабиётшунос олим, Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамлар иштирок этдилар. Режамизда бу каби тадбирлар кўп. Айни чоғда сайловолди ишлари қизғин тус олган. Куни кеча Сирдарё вилоят судлар Департаментида бўлиб ўтган сайловолди давра суҳбатида бўлажак сайловлар, уларга тайёргарлик, бу сайловнинг олдингиларидан фарқи масалаларида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

Ишлайман, юртимнинг равнақига, элимнинг фаровонлиги, камолотига ҳисса қўшаман, деган одамнинг чин маънода ишлаш гали келди. Янгича ҳаётга янгича дунёқараш, билим ва ғайрат керак. Биз шуларни ҳис этган ҳолда бошқа партиялар билан бақамти, эзгу мақсадларни кўзлаб иш олиб бораяпмиз.

Вилоятда, айниқса, кейинги йилларда кўзга кўринарли ишлар қилинаяпти. Ободончилик, шаҳар, қишлоқларни гулу гулзорларга айлантириш, экологик ҳолатга эътибор кучайди.

Меҳр-мурувват йили муносабати билан амалга оширилаётган ишлар беқиёс. Маънавий бедорлик, руҳий безовталик, халқ дардини юракдан туйиш, фаол фуқаролик позицияси сирдарёликларга хос хислат. Ана шундай инсонлар билан ҳамдам, ҳамқадам бўлиб ишлаш бизга ҳам ғайрат бағишлайди.

Зиёли ўзида маънавий қадриятларни умумлаштирган инсон дегани. Улар билими, инсоний маданияти, маънавий олами бой ва гўзал бўлганлиги билан миллий тараққиётни ҳамиша олдинда кўтариб борганлар. «Миллий тикланиш»нинг мақсади ҳам ана шу пешқадамлик. Кўзлаган манзилимиз Миллий тиканиш чўққиси. Айтадилар-ку, «Ният хайрли бўлса оқибат хайрли бўлар» деб.

Маматқул БОЗОРБОЕВ,
ЎзМТДП
Сирдарё вилоят Кенгаши раиси.

Биринчи август куни абитуриентлар синовдан ўтади

ТАЛАБА БЎЛИШИНГНИ ЖУДА-ЖУДА ХОҲЛАЙМИЗ!

Талабалар шаҳарчаси. Серяпроқ, соясі қалин дарахтлар тагидаги ўриндиқлар, куннинг иссиғидан қовжираб қолган бўлса-да, кичкинагина майсазор ҳам яхшигина дарсхона вазифасини ўтайди. Эрта тонгдан китоб мутолаасига киришган абитуриентларга ҳавасингиз келади. Уларнинг аксарияти вилоятлардаги қишлоқлардан келган, соддароқ кўринса-да, чайир, меҳнатда пишган, унча-мунча қийинчиликни писанд қилмайдиган йигит-қизлар. Талабалар таътилга чиққандан сўнг маълум муддат ҳувиллаб қолган ётоқхоналар яна гавжумлашган. Шаҳарча йўлакларидаги бели-ю, кўксига «шпаргалкалар бор, сотилади» дея пала-партиш ёзилган эълонларни «осиб олган» дарахтлару симёғочлар синов имтиҳонларига «тайёргарлик»лар жадал суратда бораётганидан дарак бериб турибди. Талабалар шаҳарчасида бўлсангиз, билимли, ўзига талабчан, вақтнинг қадрига етадиган, ўз билимига ишониб келганларни ҳам, ўқишга келдим, деб куни бекор ўтаётган, тайёргарлигининг тайини йўқ ёшларни ҳам кўрасиз. Улар шпаргалкаларга таянган бошқача «тайёргарлик»ларга умид боғлаб юрганлар қаторига киради. Бу иккала томон ҳам ўзича ҳақ. Лекин адолат кўзи билан қаралса, тарозининг билимлилар турган томони тош босади.

Синчиклаб кузатган одамни икки томоннинг тақдири ҳам ўйлантиради, яъни етарли билими бўлатуриб, ўқишга киролмай, кирса ҳам «контрактга тушиб», аксарияти шароити кўтармаслиги сабабли руҳи синиб, уйига қайтган абитуриентнинг ўтган бир йил вақти-ю, турли қинғир йўллар билан ўқишга кириб олган талабанинг ўқимай ўтказадиган йилларига ачинасан киши. Аваллари бошқа йўл билан ўқишга жойлашиб олган билимсиз талаба ҳам домлаларнинг талабидан келиб чиқиб ўқишга, ўқиганда ҳам яхши ўқишга мажбур бўлади, деб юрардим. Тўғри, шундайлар ҳам бор. Улар ўзлари топган ёки топиб берилган йўллар орқали олийгоҳларга кириб олганлар. Энди улар рейтинг дафтарчаларини қандай тўлдириш ғамида янги «изланишлар» билан оввора. Аммо ўша талаба вақтида олинмаган билимнинг ўрнини кейинчалик, ҳатто мутаҳассис бўлиб етишган вақтида ҳам ҳеч нарса билан тўлдира олмайди. Шунда ҳам кимларнингдир «ёрдамига» муҳтож бўлиб қолаверар экан. Демак, ўқишга майли йўқ абитуриент кейинроқ суст кадр, омади чопиб қолса, лоқайд раҳбар бўлади. Бундан келиб чиқадики, бугун ёшлик, ўйинқароқликдек бўлиб кўринган ҳолат эртага кўплаб одамларнинг тақдирига салбий таъсир кўрсатади.

ҲАВАСИМ КЕЛАР СИЗГА...

2004 йил «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган наманганлик Феруза Абдуқаҳҳорова, қашқадарёлик Наргиза Раҳимовалар. Улар ўзлари қизиққан соҳа бўйича олийгоҳларга имтиёзли равишда қабул қилинишади.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Яна бир гап, куни кеча Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган шу мавзуга доир кўрсатувни кўргандирсиз. Унда бир абитуриентнинг ўрнига бошқа бир билимли киши тест синовларига киришга урингани фош этилди. Ўқишга киришнинг «антиқа» усулларини ўйлаб чиқараётган ёшларга ҳайрон қоласан киши. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» дейишади. Ёлғон, виждонсизлик билан эришилган бахтли дақиқаларнинг умри қисқа бўлади. Айниқса, илм йўлидаги ҳалолликка нима етсин.

— Ёзнинг қисқа кечаларидан ҳам вақтни чегириб, имкониятни қизғониб, «бемаҳал» келган уйқуни қувиш учун муздек сувга оёқ тиқиб, тунни тонгга улаб имтиҳонга тайёрланганман, — деб абитуриентлигини эслайди аълога ўқиётган бир талаба. — Тўғри, ўшанда буйрагимни шамоллатиб олганим ёмон бўлган. Даволандим. Муҳими, ўз билимим билан ўқишга кирдим...

Бу мисолни беўжизга келтирмадик. «Хитойда бўлса ҳам илм ўрган» дейилади Ҳадиси Шарифда. Игна билан қудуқ қазишдек машаққатли ишлар ёруғ келажакка йўл очиши аниқ.

Азиз абитуриент, сен билимингга, биз сенга ишонамиз. Юқоридаги гаплар эса... гап эгасини топади. Синов имтиҳонларига 2 кунгина вақт қолди. Бу ҳаёт синовларининг дебочаси. Ҳақиқий синовлар эса, ғирромликни ёқтирмайди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тест синовлари — адолат мезони. Муҳими, қайфиятингни туширма, биз сенинг талаба бўлишингга тарафдормиз.

Муҳаммад СИДДИҚ.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Ҳамза туманида туман кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди, 150 дан зиёд киши қатнашган ушбу йиғилишда туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаётган Зиёда Юсупова туман кенгаши раиси этиб сайланди. Шу билан бирга йиғилиш сўнгида хайрия тадбири ҳам ўтказилди. Унда кам таъминланган оилалар болаларига бепул тарқатиш учун 200 минг сўмлик дарслик китоблар туман «Маҳалла» жамғармаси раисига топширилди. Хайрия тадбири «Ўқитувчи» нашриёти кўмагида амалга оширилди.

* * *

Собир Раҳимов тумани миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежи маданият саройида ЎзМТДП Марказий Кенгаши етакчилари Ҳамза туман фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Марказий кенгаш котиблари Мунира Қориева, Жаннат Тошматова, Партия нашри «Миллий тикланиш» газетаси нашр муҳаррири Дилмурод Қирғизбоевлар сўзга чиқиб, истиқлолнинг партия ҳаётидаги роли, икки палатали парламентга бўладиган сайловларнинг ҳуқуқий асослари, Партиянинг «Ёшлар қаноти» гуруҳининг вазифалари хусусида гапирдилар.

Йиғилишда коллежнинг катта ўқитувчиси Фотима Турдиева ЎзМТДП туман кенгаши раиси этиб сайланди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Яккасарой туман кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент Давлат педагогика университети доценти Рамида Акбарова туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Партия ахбороти

* * *

Тошкент вилояти барча туманлар кенгаш раислари, «Ёшлар қаноти» ва «Аёллар қаноти» раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда ЎзМТДП котиби Мунира Қориева, ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаннатой Тошматова, Тошкент вилояти кенгаши ижрочи директори Хайринисо Мирзажонова, «Миллий тикланиш» газетаси нашр муҳаррири Дилмурод Қирғизбоевлар қатнашди ва сўзга чиқдилар. Унда сайловолди жараёнларга тайёргарлик, партия ташкилий тузилмалари сонини кўпайтириш ва мустаҳкамлаш, партия тарғиботи ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди, «Миллий тикланиш» газетасига обуна мавсумини давом эттириш зарурлигига ҳам жиддий эътибор берилди. Йиғилишда туман кенгаш раисларининг ҳисоботи тингланди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти етакчилари Мирзачўл туманидаги 17-ўрта мактабда ушбу мактаб ҳамда қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоаси билан учрашдилар. Унда партиянинг сайловолди вазифалари, бу йилги сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари мавзусида сўз борди. Партия фаоллари ўқитувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, учрашувда 23 киши партиямиз сафига кириш истагини билдирди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши етакчилари Арнасой туман халқ таълими бўлимида мактабларнинг директор ўринбосарлари билан учрашдилар, уларнинг партия ҳаётига доир берган саволларига жавоб бердилар. Шунингдек, учрашувда мактабларнинг партиямиз билан ҳамкорликда ишлашига келишиб олинди.

* * *

Самарқанд вилоят кенгаши ўринбосари Зебо Қодирова вилоят радиосида партиянинг сайловолди жараёнларга тайёргарлик ишлари мавзусида тингловчилар билан мулоқотда бўлди.

* * *

Самарқанд вилоятида кейинги бир ҳафта ичида 712 нафар янги аъзо партия сафига қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз).

Ҳодиса

ЖОНИВОРЛАР ҲАМ ҚАРҒАЙДИМИ?

Кеча бир қадрдоним қўнғироқ қилиб қолди.

— Акбар ака, бугун сизни эслаб, ҳаёлдан ўтказувдим, — дедим салом-аликдан кейин. Ният холис экан, ўзингиз қўнғироқ қилиб қолдингиз.

— Ҳа, кўнгил яқинда, — деди суҳбатдошим. — Кичкиналар сени сўраб тинч қўйишмайди. Ўзи уйга келмаганингга ҳам анча бўлибди.

— Иш билан бўлиб, хабар ололмай қолдим, — деб узр сўраган бўлдим.

— Фалокат оёқ остида экан, — деб аллақандай ғамгин овозда, хўрсиниб гап бошлади Акбар ака. — Ўн ёшли набирам қаёқдандир тилла қўнғиз ушлаб олган экан. Уни ўйнатиб-ўйнатиб, кейин қийнаб, оёқларини «ҳай-ҳай» дегунимча узиб олди. Жониворларга, ҳатто чумолига ҳам озор берма, деб кўп айтганман унга. Бола-да, қачон қарама шўхлик қилиб юради. Тилла қўнғизнинг «қарғиши» тегди чоғи, ўша куни набирам югуриб кетаётиб ўткир тиғли темирга қоқилиб тушди. Қаттиқ йиқилганидан бир оёғи тўпиғидан узилиб кетибди. Ёмон азоб чекди. Шифокорлар зўрға ҳаётини сақлаб қолишди. Икки ойдан бери шу ташвишлар билан бўлиб, ҳеч нима кўнгилга сиғмайди...

Акбар ака билан яратгандан боланинг дардига шифо тилаб, хайр-хушлашдик. Фожеавий ҳодисани фарзандларимга айтиб бердим. Улар ҳам кўпчилик болалар жониворларни қийнаб ўйнаши, қушларнинг инидан тухумини олиб, полапонларини куни бўйи эрмак қилиб юриши ҳақида гапиришди. Ҳатто бир куни бир гуруҳ безори болалар кичкинагина мушукчанинг кўзига мих тиқиб ўйнашган, думидан дарахтнинг шохига осиб қўйишган экан. Шу гапларни эшитиб, бир воқеа эсимга тушиб кетди.

Водийлик бир танишим Фарғонанинг Ёзёвонида яшайдиган Мадина исмли аёл ўлиб-тирилгани, алалоқибат у одамларга шифо улашиб, кўпчиликнинг дардига даво топаётганини айтганди. Кимдир тақдир чигалликларидан нолиб, яна кимдир бахти очилмаётганидан, бошқа биров иши юришмаётгани ёки бедаво дардга мубтало бўлгани боисидан унинг ҳузурига борар экан. Ўша танишим мана шундай овозаларни эшитиб, табиб аёлнинг уйига борибди. Ўлиб-тирилган аёл ҳамма хожатталабларни бир жойга йиғиб, муқаддас калималарни ўқиб, улар билан ошкора мулоқотга киришибди. Ўрта ёшли бир эркак киши ўзини анча йиллардан буён қаттиқ безовталик қийнаётганини айтиб, нажот сўрабди.

Аёл унга қараб: «Бундан беш йил олдин сиз илоннинг оғзига нос солиб, қийнаб ўлдирган экансиз. Шу илоннинг руҳи сизни азоблаётибди, астойдил тавба қилиб, Аллоҳга илтижо қилсангиз, шифо топасиз» дебди. Ўша киши ҳақиқатан ҳам илонни оғзига нос тиқиб беъмани ишни қилган экан, айбини тан олибди. Кейин тавба қилиб, «Агар тузалиб кетсам, ҳеч бир жониворга заррача озор бермайман» деб онт ичибди.

Дарҳақиқат, жониворлар ҳам қарғар экан, уларга ҳам меҳр кўзи билан қаранг, озор берманг!

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талабларни биласизми?

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, аризада таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

САҲИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАСАНГИЗ:

ЎзМТДП МК ишчи-ижодий гуруҳи Наманганда.
Чустий: Эл аро бўл камтарин, бўл камтарин, камтаринга дер малак ҳам офарин.
2-бетда

«Фавоқих ал-жуласо»:
Ёлғончилик барча гуноҳларнинг бошидир. Ҳатто, ёлғончи ва чақимчидан эшитилган тўғри сўз ҳам ёқимсиздир.
3-бетда

Огоҳ бўлинг, уяли телефоннинг хавфи бор.
Паришонхотирлигингиздан ташвишланманг, хотирада сақлаш усулларидан воқиф қиламиз
4-бетда

БОҒИ БУЛБУЛИСТОНИМ, ҒАЗНАИ НАМАНГОНИМ!

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий кенгаши-ишчи ижодий гуруҳи Наманган вилоятида

«ПОПГА БОРГИМ КЕЛАВЕРАДИ»

«Қамчиқ довони»даги ўзгаришларни кўриб ҳайратланишингиз табиий. Шу ҳайрат асосида мустақил Ўзбекистонимиз нақадар катта иқтисодий қудратга эга эканига амин бўласан киши. Ҳа, улкан йўл бунёдкорлиги миқёслари таърифларга сиғмайди.Шу йўлнинг бир қисми Наманган вилояти Поп тумани ҳудудлари. Поп тумани марказидаги ўзгаришлар, ободончилик ишлари, кенг ва равон йўллар вилоятга ярашиб кетибди. Туман марказида уч минг ўринли «Ёшлар маркази» қурилди. Бизнес маркази реконструкция қилиниб, маиший хизмат коллежига айлантирилган. Поп шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни акс эттирувчи паннолар, тунги ёритиш ва безак чироқлари пойтахт кўчаларини эслатади. «Дўстлик» ўйингоҳи тўлиқ таъмирланиб, қайта жиҳозлангани ҳам айни муддао. Жаҳон андозаларига мос қайта таъмирланиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган «Шошилинч тиббий маркази» хизматидан эл мамнун.

Туман ҳокимлиги бинаси ҳам тўлиқ таъмирланиб, унинг атрофидаги майдон ва кўчалар ободонлаштирилган, қўналамзорлаштирилган. Қайта реконструкция қилинган коллежлар, қишлоқ шифокорлик пунктларини яхшиси бир бор кўрган маъқул. Кейинги икки-уч йил ичида жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Замонавий меъморчилик талаблари асосида таъмирланган туман маданият саройида таълим соҳаси жонкуярлари, тиббиётчилар, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, қишлоқ хўжалигининг заҳматкашлари билан Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси етакчиларининг мулоқоти чоғида сўзга чиққанлар туман ҳокими Рустам Исматуллаев бошчилигида амалга оширилган ибратли ишлар хусусида алоҳида тўхталдилар.

Минбарга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши котиби, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли рассом Ортиқали Қозоқовни олқишлар билан кутиб олишди.

Партия Марказий Кенгаши котиби мамлакатимизда Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб амалга оширилаётган оламшумул ишлар, мустақилликнинг аҳамияти, ЎзМТДП Дастури, сайловолди дастурида киритилиши мўлжалланаётган масалалар, икки палатали парламент сайловларининг аҳамияти ва парламентга сайловнинг ҳуқуқий асослари хусусида маъруза қилди. Партиялар олдида глобал муаммолар турганлиги, уларни биргалашиб, ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш муҳимлиги таъкидланди. У партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги, демократиянинг асоси қонунларга оғишмай амал қилиш эканлиги, «Миллий тикланиш» демократик партияси сафларини мустаҳкамлашнинг сайловлар яқинлашаётган палладаги аҳамияти хусусида гапирди. Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатилаётганда зиёли, иқтидорли, халқига эътиқоди баланд, ҳаёт тажрибалари ичида тарбияланган кишиларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини уқтирди. «Миллий тикланиш» демократик партияси сиёсий курашларда, сайловда халққа — сизларга суянади, — деди котиб.

— Мен ҳам шу юрт фарзанди эканимдан кўнглим ғурурга тўлади, — дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши котиби «Ёшлар қаноти» етакчиси Жаннатхон Тошматова. — Аёлларни эъзозлаш, уларга ҳамиша ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш борасидаги ҳукуматимизнинг, шахсан юртбошимиз Ислом Каримовнинг ғамхўрлиги хусусида сўзлади. Президентимизнинг яқинда хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги Фармонининг аҳамияти ҳақида гапириб, партиямиз сафига ва унинг жойлардаги кенгашларини бошқаришга аёлларни жалб қилиш долзарблигини алоҳида уқтирди. У Аёллар — жамиятимиз виждони, деб баҳо берди.

Марказий Кенгаш котибларига саройда йиғилганлардан ёзма ва оғзаки равишда саволлар тушди. Ошкора, самимий мулоқотда партия тарихи-ю, ижтимоий-иқтисодий муаммолардан тортиб то котибларнинг ижоди, иш фаолияти ва ҳаёти ҳақида ҳам қизиқарли жавоблар олишди.

Айниқса, истеъдодли рассом Ортиқали Қозоқовга тўлқинлантирадиган саволлар беришди. Ижодкор ўзининг энг ноёб суратлари жамланган катта китоби-ю, дастхати туширилган девор календарини мулоқотнинг энг фаол иштирокчиларига эсдалик учун тарқатди.

ЎзМТДП Наманган вилояти кенгашининг раиси, ҳуқуқшунос Фахриддин Шарипов партиямизнинг вилоятда олиб бораётган ишлари ва долзарб вазифалари ҳақида маъруза қилди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси, «Миллий тикланиш» газетаси нашр муҳарири Дилмурод Қирғизбоев сўзга чиқиб, партия газетаси — жойлардаги аҳволни тўлиқ, ҳаққоний акс эттирувчи восита эканини, барча учун тенг мулоқот минбарилигини алоҳида таъкидлади. «Миллий тикланиш» газетаси ошкоралик, демократия тамойиллари асосида сизнинг манфаатингиз учун хизмат қилади, деди у.

Мулоқотда иштирок этаётган Республика «Маънавият ва Маърифат» маркази Наманган вилояти бўлими бошлиғи, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, таниқли шоир Зиёвуддин Мансуровни йиғилганлар олқишлар билан кутиб олишди. У поплиқларга атаб ёзган шеърини ўқийди:

Шайдо дилим талпиниб
ҳар дам,
Попга боргим
келаверади.
Олам ичра янги
бир олам,
Попга боргим
келаверади.

Жоним гўзал ҳусни
фидоси,
Кўрганки гул кўркин
адоси.
Бордай гўё оҳанграбоси
Попга боргим
келаверади...

Мулоқот ижодий тус олиб кетди. Поплик шоирлар ҳам ўз қаламига мансуб шеърлардан ўқишди.

Поп тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқодир Ниёзов учрашувни якунлар экан, бундай очиқ мулоқотлар ҳар икки томон учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлганини ва бундай ошкора мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилса, айни муддао бўлишини таъкидлади. Йиғилишда Поп тумани пиллахонаси ҳиссадорлик жамияти раиси Иброҳим Мирзараҳматов партиянинг туман кенгаши раиси этиб сайланди.

ЧУСТИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Жаҳолат бирла қайсарлик иккови,
Жаҳонда бахт-у давлатнинг эгови.

***

Жаҳонда не азиз, инсон азиздир
Азиз этган ҳаё бирла тамиздур.

***

Жаҳонда бўлмангиз нодонга улфат
Келур нодон кишидан бошга кулфат.

***

Эл аро бўл камтарин, бўл камтарин,
Камтаринга дер малак ҳам офарин.

***

Бўлмагин дунёда сен олтин талаб,
Балки ҳамёнингда олтиндир адаб.

***

Кўп бил-у, кам сўзла, ҳикмат шундадир
Жонингга ором-у роҳат шундадир.

***

Ота-она руҳини қилсанг ризо
Ҳурматинг фарзандларинг айлар бажо.

***

Амал айланг сўзимга қаро кўзлар
Ҳамиша фойда, яхши айлар бу сўзлар.

ХАЛҚИ УЛУҒ ОЛИМУ, ДОНО ТЎРАҚЎРҒОН

Партия етакчиларининг Тўрақўрғонга ташрифи хушхабарлар билан ҳамоҳанг бўлиб кетди. Тумандаги «Наврўз» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Жўрабой Сиддиқовнинг далаларида пахта очилибди. Ҳа, янги ҳосил нишонаси кўринганида пахтакор худди фарзанд кўргандек севинчи ичига сиғмайди. Ҳокимидан суюнчи олишга шошилади. Ахир, бободеҳқон не-не машаққатлар чекмадими, пахта очилгунича!

Туман ҳокимияти мажлислар залига қишлоқ фуқаролар йиғинлари, коллежлар, мактаблар ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ҳамда ходимлари, «Миллий тикланиш» партиясининг фаоллари йиғилишган.

Улар билан партия етакчиларининг ўзаро мулоқотини туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Мақсуда Бегматова очар экан, давлатимиз ижтимоий ҳаётида партиялар, жумладан, ЎзМТДПнинг ўрни ҳақида гапирди. Партиялар ҳаётига хотин-қизлар сиёсий фаоллик билан кириб бораётганидан қувончини яширмади. Ҳа, муҳтарам Президентимиз айтганларидек «Қодир табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва гўзалликни абадий фазилат қилиб бағишлаган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар этувчи нафақат оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёл зотидир! Аёл табиатнинг энг буюк мўъжизасидир, бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир». Ҳоким ўринбосари туманда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида, саноат, қурилиш ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўсишга эришилгани, мактаблар, коллежлар, қишлоқ шифокорлик пунктлари қурилгани ва бир талай ободончилик ишлари хусусида гапирди. У туманда пилла ва ғалла етиштириш режалари ортиғи билан, вилоятда биринчилар қаторида бажарилгани ва бунинг шарофати билан иқтисодий манфаатдорлик миқёслари ортганини алоҳида таъкидлади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши котиби О. Қозоқов партия фаолларидан иборат ишчи-ижодий гуруҳнинг вилоятга ташрифидан мақсадини — Истиқлолимизнинг 13 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш ва истиқлол истиқболлари икки палатали парламентга сайловлар моҳияти, парламентга сайловларнинг қонуний асослари ҳақида маъруза қилди. Партия аъзоларининг фаоллигини ошириш билан бирга, хайрихоҳлари ҳисобига сафларини кенгайтириш ташрифнинг асосий мақсадларидан эканини рўй-рост билдирди.

Марказий кенгаш котиби «Ёшлар қаноти» етакчиси Жаннат Тошматова мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотдан кўзланган мақсадга эришишда ёшларнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлаб, бизнинг партиямиз доимо ёшларни ишончли қанотимиз деб билгани, бундан кейин ҳам улар билан бирга парвоз қилишга бел боғлаганимизни алоҳида уқтириб ўтди.

Таниқли шоир Зиёвуддин Мансуров йиғилганларга янги шеърларидан ўқиб эшиттирди. Тўрақўрғондаги учрашув ҳам жуда қизиқарли ва фойдали бўлганини ҳар бир сўзга чиққанлар айтишди.

ЭЪЗОЗ

Донолар «Инсоннинг инсонлиги шунчаки умр ўтказиши эмас, балки яшашидадир» дейдилар умр моҳияти ҳақида. Умрини ўзгаларга ибрат даражасида яшаб ўтган зотлар эса мангу тирикдир. Бундай инсонларнинг номи фақат оила аъзолари, дўсту биродарларинггина эмас, бутун бир эл аро азиз тутилади. Элини азиз билганни эли ҳам қадрлайди. Халқимиз учун ана шундай азиз ва қадрли сиймолардан бири Набихон Хўжаев — Чустийдир.



Шарқ мумтоз шеъриятининг билимдони, аруз вазнининг нозик жилоларини ўз ижодида акс эттира олган, эл ичра шуҳрат топган Чустий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Наманган вилояти Чуст туманида бўлиб ўтган тадбир юқоридаги сўзларнинг мисолидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган адабий кеча билан бошланган бу эзгу тадбир шоир туғилиб ўсган юрт Чустга кўчди. Тадбирда шоир ва унинг ижоди ҳақида адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов, Ўзбекистон Халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, таниқли шоирлар Ҳусниддин Шарипов, Умида Абдуазимовалар томонидан билдирилган фикрлар, самимий хотираларда Чустийнинг ҳам одамийлик, ҳам шоирлик номини баланд кўтариб яшаб ўтганлиги акс этди ва бу сўзлар чин дилдан айтилганлиги билан йиғин қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Республика Ёзувчилар уюшмаси, Наманган вилоят маънавият ва маърифат кенгаши, Чуст туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда «Миллий тикланиш» партияси Марказий кенгаши котиблари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов, Партия «Ёшлар қаноти» раҳбари, Педагогика фанлари номзоди Жаннат Тошматова, ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши раиси, ҳуқуқшунос Фахриддин Шариповлар иштирок этдилар.

Тадбир сўнгида Чустийнинг танланган шеърлари тўплами ва Чустий ижодининг тадқиқотчилари томонидан ёзилган янги китоблар тақдимоти бўлиб ўтди.

Чустий ижодидаги ёниқ, равон сатрлар, самимий оҳанглар гоҳ шеър, гоҳ қўшиқ бўлиб халқимиз қалбидан жой олди.

Саломим келгуси
авлодимга денг,
Улар ҳам
тингласинлар
Сиз билан тенг

дея ёзган шоирнинг асарлари биздан кейинги авлодларга ҳам муносиб адабий мерос сифатида қолажак.

Хуллас, Намангандаги мулоқотлар жуда сермазмун бўлди ва қатнашчиларнинг хотирида таассуротлар қолдирди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ТАМАКИФУРУШ

— Менга қаранг, опажон, буни бозор дейдилар. Ҳадеб ўзингизникини маъқуллайверманг, бироз нархини туширсангиз, сизга ҳам, менга ҳам осон бўларди. Арзонроққа сотсангиз-чи, ахир мен ҳам буларни сотиб бироз бўлса-да фойда қилишим керак-ку, шундай эмасми, опажон? Эрталабки биринчи савдонгизни сал енгилроқ қилинг...

Тамаки маҳсулотлари сотиб олиш учун Олот туман марказий бозорига келган Асқар Имомов токи сигаретфуруш опани келишилган баҳога кўндирмагунича сира бўш келмади. Охири ҳам айтганидек бўлиб, туркманистонлик нотаниш сотувчи аёлдан 50 блок, ҳар бир блокида 10 қутидан, жами 500 қути, чет элда ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари билан тамғаланмаган «Pine Lights» фильтрли тамаки маҳсулотларининг ҳар бир қутисини 300 сўмдан харид қилиб олди.

Савдом юришиб кетса борми, ҳали бу пулларим анчамунча пул бўлиб чўнтакка тушади. Энди ҳамма гап, саришта қилишда, деганларидек, молларимни кўздан панароқ қилиб, пойтахтгача олиб борсам бас...

Аксар ишбилармонлар сингари Асқар Имомов ҳам холва деган билан оғиз чучимас, деган мақол борлигини мутлақо унутган эди. Ширин хаёллар билан банд бўлиб, ҳали уни олдинда нималар кутаётганидан бехабар эди. У молларини битта қопга «яхшилаб» жойлаштириб, такси кира қилганича, Когон шаҳрига келиб, кечки томон «Бухоро-Тошкент» йўналишида қатновчи йўловчи поездига чиқиб, Тошкент шаҳри сари йўл олишни режалаштирди.

Буни қарангки, ишбилармон йигитнинг «устамон»лигидан ўз постларида ҳушёр турган Бухоро транспорт прокуратураси ва темир йўл ички ишлар бўлимининг ходимлари дарҳол огоҳ бўлишди.

Сигаретфурушлик орзуси ҳали «чечак»лигидаёқ сўлди. Асқар Имомов қонунга хилоф равишда қилган хатти-ҳаракатлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-1-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилиб, унга тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Қонунни атайин бузиб, даромад олмоқчи бўлган, ҳар қандай нафси ўпқон банданинг аҳволи бундан кейин ҳам шундай бўлишига ишончимиз комил. Чунки, назорат идоралари ходимлари мустақил юртимиз қонунлари ижросини ҳамиша амалга ошиши учун курашадилар.

Азизбек МАҲМУДОВ,
Бухоро транспорт прокурори ёрдамчиси.

ДОРИ-ДАРМОНЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Аввалари бошим оғриб қолса, аналгиндан яримтасини ичардим-да, оғриқдан халос бўлардим. Ҳозир эса бир бутунини, ҳатто икки донасини ичсам ҳам оғриқ босилмайди. Ҳайронман, ё бозор иқтисодиёти шароитида бош айниган ёки бўлмаса дориларни сифати қочган. Бу гапим бир нечта бошқа дориларга ҳам тааллуқли.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда қаерга қараманг, дорихоналарга дуч келамиз. У ерга кирсак ҳар хил турдаги, айниқса, ҳар бир организм, касаллик учун бир эмас, бир нечта дорилар борлигига гувоҳ бўламиз. Улардан фойдаланиш учун, албатта, шифокордан маслаҳатлар ва рецептлар оламиз. Сўнгги пайтларда ёш, тажрибасиз шифокорлар фақатгина дорининг номини ва уни қайси касалликка «даво» бўлишини ён дафтарига ёзиб олиб, беморларга тавсия этаётганини эшитяпмиз. Бунга мен тажрибали шифокорлар, ҳамширалар билан суҳбатлашган дамда амин бўлдим.

Замонавий дориларнинг бир қанчалари муҳим бўлиб, улар инсон ҳаётини сақлаб қолади. Лекин кўп касалликлар учун дорининг кераги йўқ. Организмнинг ўзи ҳам кўпроқ дам олганимизда, яхши овқатланиб, кўп суюқлик ичганимизда ва баъзи бир оддий муолажаларни уй шароитида амалга оширганимизда касалликни енга олади.

Кўпинча беморлар енгил шамоллаганда енгил йўтал ёки оддий ич кетиш каби ҳолларда керак бўлмаса ҳам дори қабул қиладилар. Ваҳоланки, енгил шамоллаганда кўпроқ дам олиш, кўп суюқлик ичиш ва амидопирин ичиш орқали тузатиш мумкин. Бу ҳолларда пенциллин, тетрациклин ва бошқа антибиотиклар ёрдам бермайди. Енгил йўтални ёки балғамли йўтални ҳам кўпроқ суюқлик ичиш орқали даволаш мумкин экан. Йўтални даволаш учун «йўтал сиропи»ни ичишдан кўра, суюқлик ичиш яхшироқ. Бўғли сувдан нафас олиш каби муолажалар ҳам яхши натижаларга олиб келади. Болалардаги ич кетишларни кўпинча дорилар тузатмайди. Бу ҳолларда кўп ишлатиладиган левомицитин каби дорилар зарарли ҳамдир. Бола учун энг муҳими кўп суюқлик ичиб, етарли даражада овқатланишдир. Боланинг тузалиш калити дориларда эмас, балки унинг онасида эканлигини кўп шифокорлар таъкидлашади.

Ўз таъсирини йўқотган дори сифатида левомицитинни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу муҳим, аммо хавфли антибиотикнинг енгил инфекцияларга қарши жуда кўп ишлатилиши натижасида, у хавфли инфекция бўлган ич терламага қарши кураша олмай қолгани ер курраси-нинг турли бурчакларида аниқланган.

Шундай экан, барчамиз эҳтиёт бўлиб дори-дармонлардан оқилона фойдаланишимиз ва илмий равишда исботланган дорилардан қабул қилишимиз керак.

Ислом ТИЛЛАБОЕВ.

СУЯНГАН ТОҒИМИЗ ЯРАТУВЧИ БОҒИМИЗ

Жамиятни аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. У нафақат она сифатида, балки, мўътабар касб соҳибаси сифатида ҳам доимо ардоқланади. Хотин-қизлар жамиятимиз фуқаролигининг ярмидан кўпини ташкил қилибгина қолмасдан, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳам улар кўпчиликни ташкил этадилар. Бугунги замонавий технологиялар, компьютерларнинг сирларини билиш, жаҳон тилларини эгаллаш, таржимонлик, иш юритиш, ҳисоб-китоб соҳаларида ҳам аёлларнинг иштироки салмоқли. Мулкдор гуруҳ вакиллари қаторида ишбилармон, тадбиркор, зукко аёллар сони кўпаймоқда.

Республикамизда 20 мингдан ортиқ аёл тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Енгил саноат, маҳаллий ҳунармандчилик, кичик ва ўрта бизнес, тижорат соҳаларида ҳам кўплаб аёллар фаолият кўрсатмоқда.

Фан соҳасида хотин-қизларнинг кўпайиб бораётганлиги диққатга сазовор. Республикамизда 6 мингдан ортиқ аёллар фан доктори ва фан номзоди. Ўндан ортиқ аёлларимиз Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академигидир.

Давлат ва жамият қурилишида фаоллик кўрсатаётган хотин-қизларимизнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Мустақиллик йилларида турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимиз тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшаётган хотин-қизларимиздан саккиз нафари энг юксак унвон — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирландилар.

Инсон камолоти оиладан бошланади, жамият, миллат манфаати, мақсади билан уйғунлашиб камолотга эришади. Ҳар бир киши оиланинг шарқона илдизидан озиқланиб, замонавий ҳаводан нафас олиб, давр ва ҳаёт талабига монанд инсон бўлиб етишади. Оиланинг маъноси шуки, эр-хотин бир ёстиққа бош қўяр экан, турмуш заҳматларини ва севинчларини бирга тортишга, умрининг охиригача бир-бирига вафодор ва садоқатли бўлишга ахд қилади. Оила қурганлар ҳаёт қийинчиликларини бирга енгишга, болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, ота-оналарини эъзозлаб-ардоқлашга, бир-бирига меҳрибон бўлган ҳолда, ҳурмат кўрсатишга интиладилар. Оила бўлмас экан, ҳаётнинг маъноси кемтик, чала бўлиб қолиши аён. Оила муқаддас даргоҳ, унинг бахти, ширинлиги, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги эр-хотиннинг қўлида.

Президент И. А. Каримов ҳам оилага жуда тўғри баҳо берадилар: «Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир».

XX аср бошларидаги маърифатпарварлик ҳаракатининг асосчиларидан бири Фитратнинг «Оила» асарида оила асосини тўғри қуриш, оилада ёш авлодга жисмоний, ақлий ва аҳлоқий тарбия бериш орқали мана шу турғунликдан қутулиш, жамиятни ислоҳ қилиш мумкинлигини баён қилинган. «Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тарбияли бўлади» деб ёзади.

Саҳиҳ ҳадисларда ёзилишича: «Аёл диёнати ёки молу дунёси, ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топкур!» дейилади.

Ҳақиқатан ҳам диёнатлилик ҳар бир аёлнинг фарзи бўлиши лозим. Диёнатли бўлиш бу — иймонли, сабр-қаноатли, сариштa, билимдон, ҳалол-пок ва ҳусн, малоҳатлилик билан яшашни одат деб билишдир. Бу эса чуқур ақл-фаросат, идрок-у қобилият эгаси бўлишни тақозо этади. Аввало, аёл нафосат, латофат, шарм-ҳаё, орият эгаси эканлигини зинҳор унутмаслиги лозим. Бўйи етган қизларимизни энг аввало олдида кутиб турган сирли, нотаниш ҳаётнинг синовларига тайёрлашимиз керак. Аммо, минг афсуски, жуда кўп ота-оналар ўз қизларининг бахтини тўкис сеп қилишда, бой хонадонга узатишда, топармон-тутармон куёв топишда деб хаёл қиладилар. Балки, ҳақиқатан ҳаётда булар ҳам зарурдир. Лекин энг аввало, қиз тушган хонадонига дарров киришиб кетса, куёв билан аҳил, тотув турмуш кечирса, қайнона ва қайнотани ҳурматини жойига қўйиб, хизматини қилса, шу билан бир қаторда улар томонидан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлса, ардоқланса, бахт ўшанда эмасмикан? Сир эмаски, ўзбек хонадони кўпчиликдан иборат. Шунинг учун қизларга одамийликдан ҳам сабоқ бериш лозим бўлади, яъни ҳаммага ҳурмат кўзи билан қарагандагина ўзи ҳам иззат-икромга сазовор бўлишини тушуниб етишига эришмоқ лозим. Садоқатли аёл эрни ҳамиша эъзозлайди. Уни оиласининг султони деб билади, эрининг шодлик ва қайғусига баравар шерик бўлади, умр йўлдоши ва оиласига меҳрибон аёл эрнинг ота-онасини, ака-ука, опа-сингилларини ва бошқа қариндошларини доим иззат-ҳурмат қилади, улар билан тил топишади, илтифотли бўлади. Шу ўринда андижонлик хассос шоира Турсуной Содиқованинг «Пароканда оилаларни қовуштирган, бўш куёв эрларни ҳамма қаторига қўшган ҳам, ноиттифоқ ака-иниларни ҳам бирлаштирган биз аёллар! Суянгувчи тоғ бўлган ҳам, яратгувчи боғ бўлган ҳам — биз. Аммо, холис айтайлик, бизни деб, биз туфайли чекувчи бўлиб кетганлар қанча! Бизнинг ханжар тилларимиздан абгор бўлиб, ювошроқ жуфтни орзулаганлар қанча. Эркак зотининг дадиллигини, ишонувчанлигини, соддалигини суиистеъмол қилмаслигимиз керак. Бундай дейишимизнинг сабаби, агар аёл астойдил уринса, ўғилни ҳатто онадан ажратиб олиши, унинг дастидан етти ака-ука етти томонга тарқалиб кетиши ҳеч гап эмас. Одамни заифи айбни бировдан излайди. Мард эса айбни бўйнига олади...» Ҳақиқатан ҳам рўзғор аравасини жойидан жилиши аёлга боғлиқ. Оилани асраб қолиш, эркакларни бездирмаслик ҳам аёлларнинг ўзларига боғлиқ.

ЎзМТДП Марказий кенгаши котиби Жаннат Тошматова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пўлат Носиров билан мулоқот пайти

Оила ташвиши кўпроқ аёллар зиммасига тушади. Бинобарин, аёл — рўзғорнинг файзи. Шунинг учун у уйни саранжом-сариштa ва тоза тутиши, дид билан безатиб, шинам қилмоғи лозим. Турмуш ўртоғига ҳурмат, илтифот ва одоб юзасидан қарамоғи, ғам-ташвиш ва шодлигига шерик бўлмоғи, кўнглини овламоғи, доимо ўзига ром қилиб турмоғи лозим. Бамаъни аёл турмуш ўртоғининг тинчлиги, хонадон обод-лиги, болалар қувончининг сабабчисидир. Халқимиз доимо «Кулиб турувчи эрнинг хотини дунёда энг яхши хотиндир» деб бекорга айтмаганлар. Юсуф Товаслийнинг «Ҳикматлар хазинаси»да келтирилишича, она турмушга чиқаётган қизига шундай маслаҳат беради: «Эй, қизим! Сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга бормоқдасан, сен бўлажак эрингнинг ҳамма хислатларини билмайсан! Сен ер бўл, у осмон бўлади, демак, сен у билан шундай йўл тутгин-ки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғирлари билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳр-у шафқати билан сени хушнуд этади. Яна сен унга тўшак бўлсанг, ёстиқ бўлади ёки сен унга канизак бўлсанг, у сенга қул бўлади».

Оиланинг асл устуни аёлдир. Инсон умрининг охиригача онасидан олган тарбия билан яшайди. Шу сабабдан ҳам файласуфлардан бири шундай дейди: «Инсонлар ҳамма вақт аёллар истагани каби бўладилар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, аёлларга буюклик ва фазилат ўргатинг».

Тарбияли аёл ота-онасини, эр ҳамда бутун оиласи, дўсти-ю қўшниларини ўз тарбияси, ҳусни, ҳулқи билан мамнун қилади. Ўзи ҳам бахтли ҳаёт кечиради. Аммо тарбиясиз аёл эл-юрт олдида турмуш ўртоғини, ота-онасини шарманда қилиб, ўз болалари тарбиясини бузиши мумкин. Агар эркак киши дунёда ҳамма нарсага эришса-ю, аммо ҳаёли, тарбияли хотини бўлмаса, у бахтсиздир. Саъдий Шерозий:

Хотин бўлса қобил-у ақли расо,
Эрни шоҳ этар, гар бўлса гадо

дея аёлларимизни кўкка кўтарганлар. Аёлнинг маънавий юксалишига шахсий ҳаётнинг таъсири каттадир. Аёлнинг ранги-рўйига қараб, эрининг кимлиги, эрининг юриш-туришига қараб, хотини ҳақида батафсил фикр айтиш мумкин. Аёл гўзаллиги деганимизда, даставвал, киши ташқи қиёфасининг гўзаллигини кўз ўнгимизга келтирамиз. Ҳусн ҳам аёл кишининг бойлигидир. Лекин аҳлоқий маънавият билан безалган ҳусн соҳибасигина ҳақиқий гўзалдир. Халқимизда: «Гўзаллик ила мадҳ этилувчи хотин гўзал эмас, балки тарбияли гўзалдир» дейилади.

Оиланинг мустаҳкамлиги ва тотувлиги кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ дедик. Аммо бу фикр, оилада эркакларнинг масъулияти кам экан, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Ж. Маздини айтганидек «Эркак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди». Дарҳақиқат, эркаксиз бахт кемтик, оила яримта. «Эркак оиланинг устуни» деб бекорга айтмаганлар. Азалдан йигитлар рўзғорнинг энг оғир юмушларини ўз зиммаларига олиб келганлар. Боболаримиз оила тинчлиги аввало, эркакка боғлиқ, дея ҳисоблаганлар.

Эркак киши кўп жиҳатдан оқилона иш тутиши, оиланинг гуллаб-яшнаши ҳақида қайғуриши лозим. Аёллар тўғрисўз, мард, лафзи бутун, қаттиққўл айни пайтда ширинсўз йигитларни ёқтиришади. Тарбияли, одобли эркак ўз хотинини доимо ҳурмат қилади, кўнглига озор бермайди, хотини билан маслаҳатлашиб иш тутади. Хотини ва фарзандларига очиқ юз ва ширин сўзлилик билан муомала қилади, ейиш, ичиш ва кийинишда аҳли — аёлини тангликка туширмайди. Топганини кўча-куйга эмас, фақат оиласининг эҳтиёжи учун сарф қилади. Агар онаси билан хотини ўртасида келишмовчилик пайдо бўлса, ҳар иккисига тўғри муносабатда бўлиб, уларнинг орасидаги келишмовчиликни йўқотишга интилади.

Халқимиз ўзининг кўп минг йиллик тарихи мобайнида оила хусусида жуда ҳам қатъий қарашларни шакллантирган. Шулардан энг асосийси энг аввало оила асосчиси, бошлиғи турмуш заҳматларини енгишда аёлга мустаҳкам таянч бўла олишидир. Эркак кишининг кейинги вазифаси хотини ва оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг номусларини сақлашдир.

Умуман, оила бахти турмушнинг ширинлиги, никоҳнинг муқаддаслиги эркак зиммасига катта масъулият юклайди. Эркакнинг салобати, бағрикенглиги, марҳамати, меҳрибонлиги, ўз ёрига чексиз муҳаббати оилани ҳамиша хавф-хатардан, уруш-жанжалдан сақлайди. Қайси оилани ана шу сифатларга эга бўлган эркак бошқарса ўша оилада тинчлик, хотиржамлик, аҳиллик ҳукмрондир.

Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг озодлиги, ҳуқуқий манфаатлари ва соғлиғини муҳофаза қилиш миллий сиёсатнинг улуғвор йўналишлари қаторидан жой олгандир. Шунинг учун биз қизларимизни нафақат одобли бўлишга, шу билан бирга уни ўз ҳуқуқларини биладиган, ўз фикрига эга бўлган ва ўз қадрини биладиган қилиб тарбиялашимиз лозим.

Жаннат ТОШМАТОВА,
ҳуқуқшунос.

БАХТ НИМА?

Мен бу саволга бағрибутунлик, деб жавоб берган бўлар эдим. Сабаби, шоир, айтганидек:

Одамлар бор учун яралди олам,
Оламни ясатиб турар шу одам.

Ҳа, инсон зоти ёлғизликка дош бера олмайди. Шунинг учун бўлса керак, атрофдаги кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интилаверамиз. Ахир одам тафтини одам олади-да.

Хўш, бағрибутунлик нима ўзи? Ўзингиз яхши биласиз, ота-она, оила аъзоларингиз, қавму қариндошларингиз, яқинларингиз ёки дўсту биродарларингизсиз кўнглингиз кемтик бўлиб қолганга ўхшайверади. "Беш қўл баробар эмас" деганларидек, тақдирнинг туҳфалари ҳам турли одамга турлича тақсимланган. Баъзида ўзимизни бахтсиз ҳис қиламиз. Чунки, шу дамда бу дунёнинг бир камини кўриб қоламиз, ўксинамиз. Аслида эса, қалб кўзларимизни очиб, ҳаёт уйига кириб кўрайликчи, кимнинг бахти тўкис экан?!

Ўйчан юрган кунларимнинг бирида оламу одамни кузатиб, қуйидаги сатрларни ёзиб қўйган эдим:

Бу дунёнинг роҳати надир,
Ўз уйингда топмасанг қадр.
Шу ҳақиқий ватангадолик,
Сабрингга ҳам тилайман сабр...

Баъзан сабрли одамга ҳам сабр тилагингиз келади. Яқин кунларнинг бирида кекса онахон билан суҳбатлашиб, ўйландим... Бизнинг суянганларимиз ва бизга суянганлар борлиги рост. Шундай бўлсада, бахтибекамлик одамзотнинг азалий орзуси бўлиб келган. Бугун ҳам худди шундай, назаримда. Ёки бошқачароқми?

Бойлиги кўп, фарзандга зордир,
Фарзанди бор сарсондир, хордир.
Кўнгли кенгнинг кулбаси тордир,
Тақдир шудир, қочиб бўлмайди,
Пешонадан кечиб бўлмайди.

Хуллас, қўлимга қалам олиб, ёзишга ундаган нарса ўша онахоннинг хўрсиниб, бир оз норози кайфиятда айтган гаплари бўлди. Ошхонада тушлик қилаётганимда ёнимда ўтирган кампир ён-верига аланглаб, сўз бошлади:

— Қизим, жоним болам, 76 ёшга чиқиб қолибман. Худога шукур, тани-жоним соғ. Қаригач, ғимирлаб туриш керак экан. "Юрган дарё, ўтирган бўйра" дейишадику. Сенга ўхшаган бир қизим бор. Худо бахтини берсин. Шу невара қизим мактабда яхши ўқирди. Ўқишга кириб кетолмади-да, йилига палон минг тўлаб ўқийдиганига илинибди. Отаси — ўғлим ногирон, оёқ-қўли ишламайди. Келиним... олти йил бўлди, уйига кетиб қолган. Бундай аҳволда яшамасмиш. Тўғри, чолим раҳматлидан кейин анча қийналиб қолдик.

Ўзим Янгийўлда тураман. Неварам кўрса ҳафа бўлади, деб қўрқаман. Шу "Чорсу" бозорига келиб, уят бўлсаям сенга айтай, 5 — 10 сўм топаман, деб ўтган-кетганни дуо қилиб ўтираман. (бечора кампир "тиланчилик" қиламан, деб айтолмади.) Нигорагинам ҳамсуҳбатим, овунчоғим. Ўғлимниям шу бир қиздан бошқа дардкаши йўқ. Ишга киришсин, десам, отасига қарайдиган одам йўқ. Ўқиб кетганда, қийналсам ҳам майли, дегандим. Эрта саҳар уйдан чиқиб, тўғри шу томонга келаман. Нигорам бечора ориятли, қўшнимизнинг келинидан тикиш-бичишни ўрганиб олаяпти. "Она, ҳар куни қаёққа борасиз" деса, уйда ўтирсам, ўтириб қоламан, таниш кампирлар билан гаплашиб, ёзилиб келай дейман. Бир кун кетимдан пойлаб чиқади, деб қўрқаман. Уйга нонпон олиб бораман, ишқилиб кунимиз ўтиб турибди. Соғлиғимга шукур, дейман, мен ҳам ётиб қолсам, қизгинамни қийнаб қўяман...

Оҳ, онахоннинг гаплари тугамайди. Эшитавердим, гапиравердилар. Ҳаёт деганлари ўзи шундай талотўп ўйин бўлар экан, азиз газетхон. "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил" дейди доно халқимиз. "Бахтлиман" дейишдан қўрқманг. Оилангиз, яқинларингиз, суянган тоғларингиз борлигининг ўзи бахт эмасми?

Айниқса, кексалар уйингизнинг тўрида, роҳатда бўлса, албатта, бахтли бўласиз.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Кўнгилга бир ҳовуч меҳр бўлса бас,
Дилда ёди бўлса дўсту ёрларнинг.

Беморга дори-ю, дармон шарт эмас,
Юзи кулиб турса шифокорларнинг.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.

МАШРИҚЗАМИН – ҲИКМАТЛАРИ

Шарқнинг панд-насиҳатларидан инсоний муносабатларга даҳлдор барча жумбоқларга жавоб оласиз. Буюклар асарларини варақлаб хикматлар бўстонига кириб қоласиз. Фозилу-фузалолар, адибу удаболар яратган ҳаёт сирларидан воқиф бўласиз.

«Фавоқиҳ ал-жуласо» — «Дўст боғининг мевалари» асари Қаюм Носирий қаламига мансубдир. Асар 1884 йилда Қозонда нашр қилинган ва Тошкентда литографик усулда чоп қилинган. Илм-адаб аҳли орасида машҳур асардан парчалар бераётирмиз.

***

Ёлғончилик барча гуноҳларнинг бошидир. Ёлғончи ўз орзусига етишиш учун ёлғондан иборат сўзларни тўқийди, уни рост деб исботлаш учун қасамлар ичади. Қасам билан ёлғонни ёпмоқчи бўлади. Бирор киши унинг ёлғончилигини ошкор қилса, уни ўзига душман ҳисоблайди. Натижада икки орада адоват ва жанг содир бўлади. Бу жанг эса кўп кишиларга зарар келтиради.

***

Аммо айтишларича, тўғри сўз ҳар нарсадан яхши. Бироқ ёлғончи ва чақимчидан эшитилган тўғри сўз ҳам ёқимсиздир. Чунки, уларнинг айтган тўғри сўзлари ҳам одамлар орасида ёлғон сўзлари каби фиску фасод қўзғотади.

***

Луқмони Ҳакимдан: «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айблардан қайси бирига даво топа олмадинг?» деб сўрадилар. Луқмон: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим, бу бадфеъллик иллати бўлди!» деб жавоб берди.

***

Бир олим айтади: «Энг ёвуз ва ярамас одам шундай одамки, ўзгаларнинг айбини топишга интилади, гап ташиб, дўстларини бир-биридан жудо қилади».

***

Чақимчи шундай кишики, бирор ерда эшитган гапини дарҳол бошқа одамга бориб айтади, натижада икки одам орасида фитна туғилади. Покдил киши бировдан эшитган гапни бировга айтмайди. Жимлик ва сукунат йўлини ихтиёр этади. Агар унга биров гап ташиб келса, бундай иш қилмасликка даъват этади.

***

ҲАКИМЛАР айтади:

— Эй одамлар, дўстлик ва меҳрибонлик ўғриларидан сақланинг, бундай ўғриларга чақимчи ва иғвогарлар киради. Ўғрилар мол ўғирласа, бундай кишилар одамлар орасидаги дўстликни, тинчликни, меҳру муҳаббатни ўғирлаб, фитна-фасод қўзғотадилар.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

***

Ҳакимларнинг айтишича, одам ўлдирган, хотинлар атрофида кўп айланадиган, қўрқоқ ва юраксиз кишилар билан маслаҳатлашиш нораводир.

***

Донолар айтадилар:

— Бирор киши олдингга келиб, биров ҳақида ғийбат гапларни гапирса, ундай одамнинг гапларига ишонма, чунки у сени ҳам бировга ёмонлаб, устингдан ғийбат қилиши мумкин!

***

Меҳмонга борсанг уй эгаси кўрсатган жойга ўтир, нима келтирса индамай е, мезбон ташқарига чиқса ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма, гоҳ буни, гоҳ уни ушлайверма, аммо китоблари турган бўлса кўриш мумкин.

***

Агар уйингга меҳмон келса «хуш келибсиз» деб очиқ чеҳра билан кутиб ол, меҳмонни очиқ юзлилик билан кутиб олиш, катта зиёфат қилиш билан баробардир!

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА тайёрлади.

ЛОЙДАН ЯРАЛГАН САНЪАТ

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида 19-27 июль кунлари Эрон керамика санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Эрон керамика санъати усталарининг анъаналарини ўзига хос ва замонавий йўлда давом эттириб келаётган устоз Муҳаммад Маҳдий Анушфар ҳамда Суҳайл Шаъбонийларнинг ижодий ишлари намойиш этилди.

Хом заррин ҳақида эшитганмисиз? Балки, бу ибора Сизга нотаниш бўлиб туюлар? Бундан 800—1000 йиллар илгари ислом мамлакатларида яшовчи кулоллар сопол буюмларни олтин рангида сирлашни йўлга қўйишди. Бу буюмлар «Хом заррин» номи билан машҳур бўлди. Шу усул билан масжидлар меҳроби ва бошқа жойларни безашда ишлатиладиган кошинлар ясашда фойдаланила бошланди. Кошин ясашнинг бу усули Ироқ, Сурия, Миср ва Испания жанубида кенг тарқалди. Эронда бу кошинни «Темурий кошин» деб аташади.

Бугунги кунда дунёнинг деярли барча йирик музейларида хом заррин парчалари сақланмоқда. Тарихчи ва археологларнинг айтишича энг гўзал хомзаррин намуналари Эронникидир. XII — XIII асрлар Эронда хом заррин ясашнинг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Эроннинг қўли гул усталари ясаган зарҳал нақкошчилик намуналари, гўзал ва нафис сопол идишлар жаҳоннинг музейларидан муносиб ўрин эгаллаган.

Эрон керамика санъати кўргазмасини кўриб, тўғриси, инсоннинг чексиз тасаввури натижаси бўлган бу сержило буюмларнинг оддий лойдан ясалганлигига ишонгингиз келмайди. Нафис жило бериб зарҳалланган сопол, фарфор, шишадан ясалган буюмларнинг жозибаси қай даражада эканини гўзаллик ихлосмандларининг кўзларидаги ҳайратларда кўргандек бўлдик. Ҳеч муболағасиз, таширриф буюрувчиларнинг ҳайрати Муҳаммад Маҳдий Анушфар ва Суҳайл Шаъбонийлар тимсолида Эрон керамика санъати усталарининг иқтидорига берилган энг муносиб баҳо деб айтиш мумкин. Беихтиёр томошабинлар ичига қўшилиб кетар экансиз, Суҳайл Шаъбоний қўллари билан яратилган «Табиат маҳмуи» рукнидаги гулдонлар, хаттоий-ислимий Шоҳаббосий нақшли, гул нақшли гулдонлар, Муҳаммад Маҳдий Анушфар ишлаган зар нақшли ликопчалар, «Базм мажлиси», «Аёл суврати», «Ишқ манзили», «Парвоз» сингари санъат асарлари эътиборингизни тортади.

Кўргазма залларида

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали «Ушбу кўргазмани ташкил этишдан мақсад Эрон ва Ўзбекистон ҳунармандлари, керамика санъати усталари ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини кенг миқёсда ўрнатишдир, — деди. Икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар санъатнинг бошқа турларида ҳам давом этажагига ишонаман». Эронлик усталар ишига баҳо берар экан, «Ҳозирги пайтда сополчилик санъатнинг нодир турларидан бирига айланиб қолди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси директори ўринбосари А. Икромжонов. — Чунки, замонавий усуллар билан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари сополчилик санъатини анча чегаралаб қўйди. Эрон керамика санъати кўргазмасини кузатиб, ҳунармандчиликнинг бу турини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган усталар сулоласи борлигига гувоҳ бўлиб турибмиз».

(Ўз мухбиримиз).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни бошланди. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамолов раислик қилмоқда.

Судланувчилар Ф. Юсупов, Ф. Казакбаев, Х. Ишматов, Е. Асланов, Н. Курбаналиев, Р. Юсупов, М. Мирзакулов, Қ. Тўйчиев, К. Сохоталиев, Ё. Умаров, К. Қаюмова, Ж. Нигманов, Ў. Ҳамроев, И. Тошпўлатова, А. Зулпикаров дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Раислик қилувчи томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгач, Давлат айбловчиси, адлия катта маслаҳатчиси М. Солиҳов айбланувчиларга нисбатан айблов хулосасини ўқиб эшиттирди.

Очиқ кўрилаётган суд мажлисида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Суд мажлисининг иккинчи куни судланувчиларнинг кўргазмаларини тинглаш билан бошланди. Кун бўйи давом этган суд жараёнида судланувчилар Ф. Юсупов, Ф. Казакбаев, Х. Ишматов, Е. Асланов, Н. Курбаналиев, Р. Юсуповнинг жиноят иши юзасидан кўргазмалари тингланди.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА).

НИГИНАНИНГ РАҚСЛАРИ...

Ҳақиқий гўзаллик — санъат, ҳақиқий санъат эса бу — шаксиз гўзалликдир. Санъатнинг давомийлиги, яшовчанлигини эса, аждодлардан мерос бўлиб қолган қадриятларни кўз қорачиғидай асраб, гўзал санъатларга ўзини бахшида қилиб, унинг янги-янги қирраларини кашф этаётган авлодларнинг изланиши, фидойилиги, ижодий меҳнати белгилайди.

Рақс — юқорида таъкидланганидек, чиндан-да гўзаллик санъати. Ҳар бир миллатнинг ўз қаҳрамонлари, тан олинган шахслари, ўзига хос анъаналари, хулласи, миллатнинг миллатлигини таъминлаб турувчи омиллари бўлади. Ва ҳар эл, ҳар миллатнинг ўз куйи, қўшиғи ва шу билан бирга миллий рақслари ҳам мавжуд. Бошқа халқларнинг санъатини инкор қилмаган ҳолда ҳар бир эл учун ўз анъаналари, ўз санъати ва улар билан боғлиқ сиймоларнинг номлари жуда қадрлидир.

Ўзбек миллий рақс санъати. Шубҳасизки, ўзбек рақси ҳақида гап борганда, аввало, Мукаррама Турғунбоева, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним, Гавҳархоним Раҳимова ва яна кўплаб устоз санъаткорларнинг номлари тилга олинади. Бу номлар — ўзбек санъатини дунёга машҳур этган номлардир.

Устозлар анъанасини давом эттирган Дилафрўз Жабборова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Малика Аҳмедова... Олган унвонлари қўшиб айтилмаса ҳам уларни санъат ихлосмандлари яхши билишади. Зеро, энг катта унвон эл назари, мухлисларнинг меҳри. Элнинг назарига тушиш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Элнинг назарига муносиб бўлиш учун энг истеъдодли инсонлардан ҳам катта меҳнат талаб қилинади. Ҳозирги кунда юқорида тилга олинган ўзбек рақси намоёндаларини ўзларига устоз билиб, бу санъатнинг барча нозикликларини ҳис қилиб ижод олиб бораётган ёшлар жуда кўп. Шулардан бири ёш, истеъдодли рақҳоса Нигина Аламовадир.

«Бола бошидан...» дейилганидек, Нигина болалигиданоқ рақсга қизиқди. Қизалоқ онаси билан Тошкент Хореография олий мактабига келганда эндигина 10 ёшга кирганди. «Онам билан Хореография олий мактабига борганимни ҳамон ҳаяжон билан эслайман, — дейди Нигина. — Бизни Кеворкьева Инна Александровна кутиб олгандилар. «Қабул қилолмаймиз, ёшинг етмайди» дедилар. Бу мактабга ўқувчилар 12 ёшдан қабул қилиниши, менинг ёшим етмаслиги, бу ердаги машғулотлар менинг ёшимга оғирлик қилиши ҳақидаги тушунтиришларга, бола эканман-да, ҳеч қулоқ солмай йиғлаб, қайсарлик қилиб туриб олдим. Ва ниҳоят, ёш бўлсам ҳам мени ўқишга қабул қилишди».



Зийрак, қобилиятли қизалоқ тез орада устозлар назарига тушди. Бу ерда илк бор рақс сабоқларини устозлари Гулчеҳра Азимова, Қундуз Миркаримовалардан олди. Олий мактабни 2000 йил битириб, «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошидаги «Тановор» ансамблига ишга келди, янги устозлар билан иш бошлади.

Юлдуз Исматова, балетмейстерлар Наима Юсупова, Раъно Жўрабоевалардан жуда кўп рақслар ўрганди. Нигина бу ерда ҳам ўзининг истеъдоди, меҳнатсеварлиги, камтаринлиги билан устозлари, барча жамоа аъзоларининг эътиборини қозонди.

«Нигина ансамблдаги ёшлар ичида энг истеъдодлиси, — дейди «Ўзбекрақс» бирлашмаси директори Юлдуз опа Исматова. — Хореография олий мактабини битириб, «Тановор» ансамблига ишга келгандан кейин, қисқа вақт ичида ансамбл дастуридаги барча рақсларни пухта эгаллаб олди. Агар фавқулодда истеъдод ҳам меҳнат билан ёнма-ён бўлмаса юзага чиқолмайди. Мени қувонтиргани — Нигина ҳеч қачон меҳнатдан қочмайди. Ишга ҳам ҳаммадан аввал келиб, ҳаммадан кейин кетади, ҳатто, дам олиш кунлари ҳам келиб машғулотларни такрорлайди. Асосийси, масъулият нималигини чуқур тушунади. Баъзан, тажрибали қизларимизгина уддалай оладиган юмушларни ҳам чўчимай Нигинага ишонаман. Нигинадан бир мен эмас, бутун жамоамиз хурсанд. Бутун бир жамоанинг эътирофига сазовор бўлиш эса қайсидир маънода истеъдоднинг келажаги ёрқин бўлишидан нишонадир».

Табиийки, бу сўзлар шунчаки мақтовлар эмас. Мусиқа раҳбарлари ҳам Нигинанинг истеъдодига юқори баҳо беришади. Телевидениеда намойиш этилган «Рақс оламида» кўрсатувидаги «Дутор» рақси орқали Нигина Аламова ўз санъати жозибаси билан кўплаб мухлислар орттирган бўлса не ажаб?

Нигина энди йигирмага тўлади. Шу ёшда устоз деган шарафли номга эга бўлиш Нигинанинг иқтидорлилиги билан бирга меҳнатсеварлигининг натижасидир. «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошида ташкил этилган «Мукаррама» студияси қизлари билан машғулотлар олиб боради. Нигина ўзи маромига етказиб ўйнайдиган «Дутор», «Сурнай», «Сумбула», «Дилхирож» сингари рақсларни қизларга ўргатар экан, унинг жуда ҳафсалали, талабчан, шу билан бирга меҳрибон мураббийлиги кўзга ташланади.

Суҳбатимиз асносида Нигина Мукаррама Турғунбоева номидаги рақҳосалар танловида иштирок этиш нияти борлигини айтиб ўтди.

Устоз санъаткор, Ўзбекитон Республикаси Санъат арбоби Юлдуз Исматова эътирофи билан айтганда, Нигина келажакда ўзбек миллий рақсининг ёрқин юлдузи бўлишига биз ҳам умид қиламиз.

Зумрад ВАҲОБОВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.



Чорвоқ манзаралари... **Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган сурат-лавҳа**

ПАРИШОНХОТИРЛИК: ДАВОСИ БОРМИ?

Инсоннинг инсонийлигини таъминлаб турувчи омил бу — шубҳасиз унинг хотирасидир.

Тарихдан бизга маълумки, файласуфлар, олимлар, саркардалар ўз хотираларининг кучи билан кўп яхши натижаларга эришганлар. Маълумотларга қараганда, Искандар Зулқарнайн ўзининг 30000дан ортиқ аскарларининг ҳаммасини номманом билган. Эрон шоҳи Кир эса қўшинидаги 20000дан ортиқ аскарларини номманом таниган. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам зеҳн солсак, атрофимизда хотираси кучли кишилар жуда кўп. Гарчи дунё бўйича кучли хотирага эга бўлган кишилар билан беллаша олмаса-да, менинг бир танишим 200 дан ортиқ телефон рақамларини ёдида сақлай олган. Бу ҳам ёмон натижа эмас. Биз кучли хотирага эга бўлганларга ҳавас қиламиз, уларнинг воқеа, далилларни ёдда сақлашига таҳсинлар айтамиз. Аммо бу имкониятлар ўзимизда ҳам мавжудлигини англамаймиз. Баъзан қўйган нарсамизнинг ўрнини, бир хонадан иккинчи хонага нима учун ўтганимизни ёдимиздан чиқарамиз, ҳатто қўлимизда турган буюмни қидириб қоламиз. Ёки янги танишимизнинг исмини ёддан чиқариб қўямиз ва бу билан ўзимизни ноқулай аҳволга соламиз. Юқорида айтилган ҳолатларга тушишимизга хотиранинг ёмонлиги эмас, балки ўзимизнинг беэътиборлигимиз сабаб бўлади. Касаллик ёки кексайиш билан боғлиқ хотира сустлиги бундан мустасно, албатта,

Бундай ҳолларда кўпинча қувлик ва паришонхотирлигимиздан кулиш орқали ўзимизни оқлаб қўямиз. Ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Жавоб оддий: эътиборлироқ бўлиш керак. Керакли буюмни излаётганда эмас, уни жойига қўйишда эътиборли бўлиш кифоя. Исм шарифлар ёдда қолмаслигининг асосий сабаби эса шу номни ёдлаб олмаганликдир. Ёдда сақлаб қолиш учун илк учрашган пайтдаёқ янги танишимизнинг исми шарифини ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилишимиз ва биринчи суҳбатдаёқ унинг исмини иложи борича бир неча марта ишлатишимиз керак. Янги танишимизнинг исмини ўзимиз яхши танийдиган, одамлар, яқинларимиз исми билан таққослаб ҳам эслаб қолишимиз мумкин. Юқоридаги қоидаларга амал қилиш билан паришонхотирликка озроқ бўлса-да, барҳам берса бўлади. Аслида эса, олимларнинг ҳисобларига кўра инсон хотираси ва унинг имкониятлари 10 миллиард маълумот бирлигидан иборат экан. Лекин ўта кучли хотира соҳиблари ҳам паришонхотир бўлиши мумкин.

Фаранг олимларининг сўнгги илмий изланишлари натижалари шуни кўрсатадики, инсон мияси ва унинг қобилияти ёмонлашишининг асосий сабабларидан бири — дангасалик, ақлий меҳнатдан қочиш экан. Демак, дангасалик — хотира сустлиги, паришонхотирликка олиб келувчи сабаб ҳамдир. Биз ҳавас қилаётганимиз — хотираси кучли кишиларга тенг бўлишимиз учун атрофимиздаги воқеаҳодисаларга, инсонларга эътиборли бўлишдан қочмасак, ақлий меҳнатдан чўчимасак ва хотирамизни баъзан бўлсада "тафтиш" қилиб турсак кифоя экан.

"Хотирада сақлаш усуллари" тўпламидан

Маслаҳатхона

КЎК ЧОЙ — ШИФОГА БОЙ

- Кўк чой хотирани яхшилайди, фикрлашни равонлаштиради.
- Кўк чойнинг яна бир фойдали хусусияти — қонни суюлтиради, томирларни кенгайтириб, қон юришини яхшилайди.
- Кўк чой қон босимини пасайтиради, чунки у бадандаги ёғларни эритади ва қон томирини кенгайтиради.
- Шуни унутмангки, кўк чой нафас олишни яхшилайди, балғамни юмшатиб, кўчиради ва нафас йўлларини тозалайди.
- Кўк чойдан тўйиб ичган кишининг чарчоғи кетади.
- Офтоб урганда ҳам кўк чой даво бўлади.
- Аксарият тери хасталикларини даволашда, шунингдек, темирэткини йўқотишда ва бошқа яраларни ювишда кўк чой энг фойдали воситалардандир.
- Кўк чой юз терисини таранглаштиради, ажинларни камайтиради.
- Кўк чой жигар, буйрак ҳамда қанд хасталигини даволашда ҳам самарали фойда беради.

НОННИНГ КУЙИГИНИ ЕМАНГ!

Овқат еб туриб китоб ўқиш ошқозонга ўта зарардир.

***

Кулгу, ашула айтиш одамни соғайтиради, умрини узайтиради.

***

Ҳеч қачон нонинг куйигини еманг, уни олиб ташланг. Нонинг куйган қисми зарарли ҳисобланади ва у аста-секин инсоннинг бутун аъзоларини заҳарлаб, умрини қиркади.

***

Инсон жигарининг касалланишига учта нарса сабаб бўлади: қовурилган ёғли овқатлар, дўкон ширинликлари ва юмшоқ, иссиқ нон.

***

Инсон жигари 4 нарсани хуш кўради:
хом карам, творог, қаттиқ нон ва асални.

***

Узоқ шаҳарга, қишлоққа боргач, албатта, икки ишни қилинг: қатиқ ичинг ва ҳаммомга тушинг. Шунда аъзоларингиз янги ер ҳавосига мослашади.

***

Ўрик қайнатмаси ичимлиги ўзининг инсонга ҳар томонлама фойдалилиги билан дунёдаги барча суюқ ичимликлардан афзал туради.

МАНСУБА тўплади.

Огоҳ бўлинг!

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ХАВФИ

Бу мавзу ҳақида сўнгги йилларда ёзмаган журналист қолмади, ҳисоб. Чунки, бу узоқни яқин қилувчи восита ҳар томонлама ҳаётимизнинг бир бўлаги бўлиб қолди. Қаерга қараманг, ҳар-хил турдаги уяли телефонлардан фойдаланаётган инсонларни кўрамиз. Албатта, бу — иқтисодий ҳаётимиз ривожланишининг бир намунаси бўлса ажаб эмас. Зеро, шаҳримиз дўконлари уяли телефонлар билан бойиб бормоқда ва уларнинг нархлари ҳам арзон эмас. Лекин ҳар яхши ҳолатнинг ёмон томони ҳам бор.

Тўғриси, мен ёзмоқчи бўлган салбий ҳолатлар кўпчиликка хуш келмаслиги мумкин. Аммо, тан олишимиз керак, атрофимизда нохуш воқеалар айнан уяли алоқа воситалари томонидан рўй бераяпти. Огоҳлик — давр талаби. Баъзи бир хорижий матбуот нашрлари охирги пайтларда шу мавзуни алоҳида кўтармоқда.

Хитой ҳукумати аъзолари сўнгги ҳафталар мобайнида ҳаммани огоҳликка чорламоқда. Кўчаларга, одамлар гавжум жойларга: «Огоҳ бўлинг! Уяли телефон воситаларингиздан ёмғирли, момақалдироқли кунларда фойдаланманг!» деб ёзилган плакатлар илиб ташланган. Ҳамма маълум, Осиёнинг кўпгина давлатлари, шу қаторида Хитойда кучли ёмғир, жалалар ёғиши давом этаётгани сабабли бу масала кун тартибига қўйилган. Буюк Хитой деворида бўлиб ўтган нохуш воқеа эса ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди.

Ўн бешта турист ўша ерда уяли алоқа воситасининг табиий офат чоғида қандай кучга эга эканлигини кўришди ва жабр тортишди.

Унча катта бўлмаган маҳалли туристлардан ташкил топган гуруҳ Хитойдаги тарихий обидани кўриш учун саёҳатга чиқади. Об-ҳаво ёмонлиги, момақалдироқ ва чақмоқ уларни йўлдан қайтара олмади. У ерга чиқишгач бир сайёҳ хурсандлигидан уйига телефон қилишни истаб қолди ва телефонини олиб номерларни тера бошлади. Шу паллада чақмоқ чақиб, телефон аппаратидаги зарядлар билан киришиб, кучли портлаш содир бўлди. Хайриятки, ҳеч ким нобуд бўлмади, бироқ ўн беш сайёҳ турли даражада куйиш натижасида шифохоналарга ётқизилди. Бу воқеадан бироз олдин шаҳарлик фуқаро худди шу ҳолатдан вафот этди.

Экспертларнинг айтишича, телефонни чўнтакда олиб юриш ҳам одам учун хавфли ҳисобланади. Аппаратдаги электромагнит тўлқинлари атмосферадаги электр зарядларини ўзига тортиб олиш хусусияти катта ва бу соғлиққа зарар қилади.

Чўнтакдаги телефон очиқ ҳавода ҳам ёниб кетиши мумкинлигини ўтган йили Голландияда содир бўлган воқеа мисолида келтиришимиз мумкин.

15 ёшли ўспиринниг телефони ёниб кетди. Бунинг оқибатида 3-даражали куйиш билан шифохонага ётқизилди. Аниқланишича, телефон батареяси бирор марта ҳам алмаштирилмаган. Ушбу аппаратни ишлаб чиқарган компания эса катта жаримага тортилган.

Биз юқоридаги мисолларни бежизга келтирмадик. Юртимиз мўътадил иқлимга мослашган бўлиб, ёмғир, момақалдироқли кунлар бизни четлаб ўтмаган. Билмаганни билиб олиш эса ҳеч қачон зарар қилмайди.

Хориж матбуотидан Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

Спорт оламида

Бугун Ўзбекистон терма жамоаси Хитойнинг Ченгду шаҳрида Осиё кубоги чорак финалида Баҳрайн футболчилари билан майдонга тушади. Юртдошларимизга омад ёр бўлсин!

Немисча покиза чемпионат бўлади

2006 йил Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати футбол тарихидаги энг тоза чемпионат бўлиши мумкин. Мусобақа ташкилотчилари ва мутасаддилари ушбу мундиалнинг экологик жиҳатдан соф ўтишига ҳаракат қилишмоқда. 2006 йилги жаҳон чемпионати атроф-муҳитга мутлақо зарар етказмайди, — деб баёнот берди «Green Gool» лойиҳаси раҳбарлари. Айтилишича, томошабинларнинг 50 фоизи стадионларга жамоат транспортларида боришади. Стадионларда эса кўп марта ишлатиладиган пластик тарелкалардан фойдаланилади. Германияда ҳозирда яшиллар партияси ҳукумат тепасига келган ва уларнинг асосий ғоялари атроф-муҳитни асрашдир.

Беш минг долларлик футболка



Ҳозирги кунда футболчилар ўйиндан сўнг, футбол майкаларини эсдалик учун бир-бирларига қолдириши урф ҳисобланади. Англия терма жамоаси сардори ва юлдузи Дэвид Бекхэм либосига эгалик қилишни хоҳловчилар кўплаб топилади. Шундай бахтга Лихтенштейн футболчилари ҳам сазовор бўлишмоқчи эдилар. Бироқ...

Англия — Лихтенштейн ўйини арафасида Лихтенштейн аъзоларидан бугунги режалари ҳақида сўралганида, ҳамма бир овоздан «Бекхэм билан футболка алмашиш» деб жавоб беришди. «Бекхэмнинг либоси каттакон бойлик. Уни турли ким ошди савдоларида 5 минг долларгача пулласа бўлади. Беш минг доллар — биз учун катта пул» деб, ўз қизиқиши сабабини яшириб ўтиришмади қитъанинг энг камбағал мамлакати футболчилари. Бироқ ўйиннинг 70-дақиқасида Бекхэм ўрнига Мерфи майдонга тушди ва рақиб ўйинчиларининг бор умиди пучга чиқди.

Айбсиз айбдор Смит

Ҳаётда яхшилик ҳам ёмонлик ҳам ёнма-ён юради. «Лидс» ҳужумчиси Алан Смит бир куннинг ўзида иккита хабар эшитди. Биринчиси — бир йиллик танаффусдан сўнг у Англия терма жамоаси сафига таклиф этилганлиги, иккинчиси унинг... ҳибсга олинганлиги ҳақидаги хабар эди. «Манчестер Юнайтед» билан бўлган кубок учрашувида пластик шишани трибунага отиб, ишқибозлардан бирини жароҳатлагани учун Алан полиция маҳкамасига чақирилган. Лекин футболчи товон пули тўлаб қутулди. Аслида Алан трибунадан отилган пластик шишани ердан олиб, эгасига қайтариб отган экан.

С.ШОШИЙ тайёрлади.

Дастурхон кўрки

ОЛМАЛИ ТОРТ

Масаллиқ: 5 та тухум, 2 стакан шакар, 250 гр. сариёғ, ярим чой қошиқ сиркада эритилган сода, озгина туз, ванилин, 10 — 15 та олма.

Тайёрлаш: Тухум билан шакар обдон кўпиртирилади, сўнг сариёғ, сиркали сода, туз, ванилин, 3,5 стакан ун солиб, яхшилаб аралаштирилиб, суюқроқ хамир қорилади.

Олмалар қирғичдан ўтказилгач, унга 0,5 стакан шакар солиб аралаштирилади. Иликроқ қолипни ёғлаб, нон талқони сепилади. Бир қисм хамир олиб қолинади, қолгани эса қошиқ ёрдамида аста-секин қолипга солинади. Қолган хамирга озгина ун қўшиб ёйилади. 1 — 1,5 см энли тасмалар кесиб, торт сирти безатилади. Кўпиртирилган тухум оқини суртиб, духовкада пиширилади.

ЯКШАНБА ТАЪБИРНОМАСИ

Якшанба куни уйдан уйга кўчмоқ ёмондир. У уйга ўғри киради. Янги кийим бичмоқ яхши, киймоқ ҳам муборакли, аммо, тез нобуд бўлади.

Соч олдириш ҳам яхши эмас, якшанбада соч олдирган кишининг ишлари юришмаслиги мумкин. Шу куни тирноқ олиш ҳам ёмон одат, бунда одамнинг бахти боғланади, дейишади.

Якшанбада қулоғингиз қичиса, уйга меҳмон келади, кўзингиз учса ҳам яхши ишлардан дарак. Шу куни туш вақтида сафар қилиш яхши, аммо, кунботарда йўлга чиқиш ёмон. Деҳқончилик ишларига киришишнинг ҳам фойдасидан зарари кўп. Иморат бошлаш ҳам кўнгилсиз якун топади.

Якшанбада фарзанд туғилса, ўғил бўлса, исмини Иброҳим ё Сулаймон, қиз бўлса, Ҳалима ёки Ойша қўймоқ керак.

Юсуф алайҳиссалом таъбирномасидан.

ИШОНАСИЗМИ?

Водий вилоятларнинг ширкат хўжалиги раҳбарларидан бири ҳасрат қилиб қолди. Унинг айтишича, кейинги уч ойда хўжаликка бир юз йигирма бир марта республика, вилоят ва туман микёсидаги юқори идоралар вакиллари «ташриф» буюришибди. Во ажаб!

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 830. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Адади: 1669 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00